

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Узбекистон Президенти Имом Каримовнинг Фармони билан Муҳаммад Корнубов номида Ўзбекистон Республикасидаги давлат филармонияси қошидаги концерт-ташкилот бўлимининг соҳадаси, атоқли бастакор Муҳаммад Мирзаев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий аъли билан мукофотланди.

● Утган кун Тошкентда биринчи республика биржаси савдоси очилди. Уни Бош вазир Абдулхалим Муталлов очди.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпаниясида Скандинавия ярим оролининг уч давлати — Норвегия, Швеция ва Дания билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

● 1994—Ойла йили деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ июнь ойида Тошкентда «Аёл, оила ва жамият» мавзусида халқаро хотин-қизлар конференцияси ўтказилди. 22 апрель кунини ана шу анжумани ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди.

● Гугурт ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон—Греция қўшма корхонаси ташкил этилди. У тўла қувват билан ишлаб бошлагач, мамлакатимиз учун етарли миқдорда гугурт тайёрланадиган бўлади.

● Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида Фанлар академиясининг янги ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари сайландилар.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Тожикистон янги Конституциясининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Конституция лойиҳасининг матни матбуотда тожик, ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

● Марказий Қисм давлатлари бўйича сафарини давом эттиратган Хитой Давлат кенгашининг раҳбари Ли Пэн бугун Қозғоғистонга расмий ташрифини бошлайди.

● Россияда май байрамлари муносабати билан 30 апрель, шунингдек, 1, 2, 3 май дам олиш кунлари, деб эълон қилинди.

● Украина Президенти Леонид Кравчук парламентга 26 июнь кунинг бөлгимини президент сайловларини бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилмоқчи эканлигини билдирди.

● Қора денгиз флотининг тақдирини тўғрисида Россия билан Украина музоффа маҳкамалари раҳбарларининг музокара-лари натижасиз туғди.

● Россия Давлат думаси депутатлари томонидан маъқуланган қонун лойиҳасига кўра 1994 йил 1 майдан бошлаб бу мамлакатда энг кам пенсия миқдори ойига 19 минг рубль қилиб белгиланди. Барча турдаги пенсиялар ўрта миқдорда 1,3 бараварга кўпайтирилди.

ХОРИЖДА

● Бугун Япония парламенти мамлакат янги Бош вазирини тасдиқлади. Бу лавозимга ҳукумрон коалиция ағона номзоди — Бош вазир Ёрибосари, ташки ишлар вазирини Ўтому Хатани кўрсатган.

● Нью-Йоркда Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Ричард Никсон 82 ёшида вафот этди. У 18 апрель кунини инсульт бўлган, соғлиги кескин ёмонлашган эди.

● Бугун Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Олег Сосовец Дамашкага келди. У Сурия ҳақидаги ташкилот билан икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

● Бугун Америка Қўшма Штатларининг давлат котиби Уоррен Кристофер Лондонга келди. Бу ерда АҚШ, Буюк Британия ҳамда Россия ташки ишлар маҳкамаларининг раҳбарлари Босниядagi вазиятни муҳокама қилишни режалашмоқдалар.

● Камбоджада аҳоли кескинлашиб кетди. Бу ерда ҳавфсизлик кучлари ва ҳукуматга қарши чиққанлар ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида 18 киши ҳалок бўлганлиги хабар қилинди.

● Яқинда йилнинг охиридаги ҳавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланадиган француз ва немис мутахассислари Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган уршушда Чернобыль атом электр станциясини бекитиш зарурлигини айтидилар. Уларнинг фикрича, станция биринчи ва учинчи раёкларини ишдаги бекорликни кучайиб бормоқда.

● Халқаро валюта фонди иккунча директори Мишель Камдессо Россия ўз олдига қўйган бюджет мақсадларини бажарса, 4 миллиард долларча бўлган миқдорда кредит олиши мумкинлигини ҳақиқат дебди. Унинг фикрича, Россиядаги иқтисодларнинг мувофиқлиги бюджет мақома-ди миқдорини янги миллий маҳсулот ҳажмининг 6,5 фонзи-гача қисқартирилишига боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 25—27 апрелда Франция Республикасининг Президенти Франсуа Миттеран жаноби олийлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Франция Республикасининг Президенти Франсуа МИТТЕРАН жаноби олийлари

1916 йил 26 октябрда Шерант департаментидagi Жарнак шаҳрида кейинчилик сановатчи бўлган темир йўл хизматчиси оиласида туғилди.

Париж университети ҳуқуқ ва иқтисодий фанлар факультетларини битирди, журналист, адвокат бўлиб ишлади.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, Германиядаги ҳарбий асирлар лагерига тутилган бўлган, у ердан қочган Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракатида фаол иштирок этган, ҳарбий асирлар миллий ҳаракатида асос солган.

1944 йилнинг август-сентябрь ойларида генерал Де Голь муваффақият ҳукуматида ҳарбий асирлар ишлари бўйича Бош котиб сифатида иштирок этган.

Шундан кейинги йилларда Туринчи Республиканинг турли маҳкамаларида бир қанча вазирлик лавозимлари билан ишлаб турган, жумладан:

1947—1948 йилларда уруш фахрийлари ишлари бўйича вазир.

1954—1955 йилларда ҳукумат раёсати давлат котиби, давлат вазир, ички ишлар вазир.

1956—1957 йилларда дав-



лат вазир, адлия вазир лавозимларида ишлаган.

1948 йилдан 1958 йилга қадар Франция Миллий мажлиси депутатлигига сайлан-ди.

1959—1962 йилларда Франция сенатининг аъзоси, 1962 йилдан бошлаб яна Франция миллий мажлисининг депутаты.

Бир қанча сиёсий ташкилотларга бошчилиқ қилган — Қаршилик кўрсатиш демократик ва социалистик итти-фокнинг миллий раиси, сул демократик ва социалистик кучлар федерациясининг раиси бўлган (1965—1968 йил-лар).

1970—1971 йилларда республика ташкилотлари бирлашмаси раёсатининг раиси.

1971—1981 йилларда Франция социалистик партиясининг биринчи котиби.

1972—1981 йилларда Социалистик интернационал вице-президенти.

1981 йил май ойидан Франция Президентлигига сайланган.

1988 йил май ойида иккинчи муддатга Франция Президентлиги этиб сайланган. Бир қанча китобларнинг муаллифи.

Симон Визенталь мукофоти лауреати (1984 йил), кў-йидаги ҳукумат мукофотла-ри билан тақдирланган: Фахрий легион ордени, «Жанговар хизматлари учун» ҳочи, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиси фах-рий белгиси.

Ички ўғли бор.

Раёсатини — Даниэль Ми-теран (Ўз шаҳрида туғил-ган) «Франция—эркиклик» халқаро жамғармасига бош-чилик қилди. Бу жамғар-манинг мақсади уруш пай-тида очлик ёки зулм жабрди-далари бўлган катта ёшда-ги кишилар ва болаларга ёр-дам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.



«Тўқимачилик комбинати» Тошкент ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси иши-чи ва хизматчилари корхонада янги техника-ни жорий қилиш эвазига улкан муваффа-қиятларга эришишмоқда.

СУРАТДА: бирлашманинг ил-йигирув че-хнини уқумий кўришиш.

Ҳақим Солиев олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК НЕВАЛАРИ

Қалбимда фахр уйғотди

Кўни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони белгилаш ҳамда орден, медалларини таъсис этиш тўғрисидаги ҳа-барини ўқиб чиқиб, қалбим-да ўзгача ғурур ва ифтихор ҳислари жўш урди. Ахир фахрланмай бўладими? Яқиндаги мустақилликка эришган республикамиз ўз байроғи, ўз мадҳияси, тў-ғрисида эга бўлди. Мана, бу-гун ўз мустақил давлати — ҳукуматининг юксак унвони, орден ва медалларини таъ-сис этмоқда. Бу эса респу-

бликамизда яшаб ва меҳнат қилаётган фуқароларни она-Ватанга садоқат билан, сид-қидилан хизмат қилишга даъват этиши шубҳасиз.

Марғуба СОЛИЕВА,
Тошкент автомобиль йўл-лари институти катта ўқитувчиси.

Фидокорлик омили

КўНИМИЗ ояларга, ояла-римиз йилга, йилларимиз асрга татигулик десам асло муволажа эмас. Дунёдаги ривожланган давлатлар қа-торидан ўзига муносиб ўрин олаётган мустақил республи-камиз ҳаётида катта ўзга-ришлар рўй бермоқда. Ўзе-

бекистон Республикасининг «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонини белгилаш, «Мустақиллик», «Олтин Юл-дуз», «Шуҳрат», «Жасорат» медалларини таъсис этиш масаласи Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилганлиги мени беҳад қувонтирди. Бу юксак мукофотларнинг таъ-сис этилиши илҳом ва хиз-матчиларимизни, бугунги ёш-ларини қонжон дийрмиш-нинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилишга, жасоратта илҳомлантиради.

Жўра ҲАЙДАРОВ,
ишчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»
ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИ
«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»
ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК
КОРПОРАЦИЯСИГА АЙЛАНТИРИШ
ТЎҒРИСИДА

Новвойхона, тегирином-ерма ва омихта ел сановати кор-хоналари ва бирлашмалари иш самарадорлигини оши-риш, аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлашни туб-дан яхшилаш, тармоқда бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида:

1. «Ўздонмахсулот» давлат концерни таъсисчилари-нинг ун «Ўздонмахсулот» давлат-акционерлик корпо-рациясига айлантириш тўғрисидаги тасдиқли маъқулла-син.
2. Белгилаш қилиниши, «Ўздонмахсулот» давлат-ак-ционерлик корпорацияси: юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳужалик корпо-рациядир ҳамда у дон харид қилишни, ун, ёрма, омихта-ем, нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулот-лари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни таъминловчи тур-ли мулкчилик шаклларидаги корхоналарни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради; ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалда-ги қонуни ва корпорация Устави асосида амалга оши-ради, «Ўздонмахсулот» концерни илгари тузган барча шартномалар ва қабул қилган мажбуриятлар бўйича жа-вабгар бўлади.
3. Худудий ишлаб чиқариш бирлашмалари негизда дон маҳсулотлари тайёрловчиларнинг «Донмахсулот» акционерлик уюшмалари ташкил этилиши.
4. Қўйидагилар «Ўздонмахсулот» корпорацияси фа-олиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин: дон, ун, ёрма, нон, нон-булка, макарон ва қандолат-чилик маҳсулотлари омихта ем ишлаб чиқариш ҳамда рес-публика халқ ҳужалигини ва аҳолисини улар билан таъминлаш; ишлаб чиқариш технологиясини тақомиллаштириш, унни қайта ишлаш ва нон-булка ҳамда бошқа маҳсулот-лар тайёрлаш билан банд бўлган корхоналарни кенгай-тириш, қайта қуриш ва техника билан қайтадан қурул-лантириш борасидаги ишларни ташкил қилиш; дон, навли ва дурағай галла уруғлари, бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулоти харид қилишни, уларни давлат өхти-ёжларини учун ва бошқа истеъмолчиларнинг буюртмалари бўйича етказиб беришни таъминлаш; галла захираларини, жумладан давлат ва сафарбарлик захираларини марнавлантиришнинг тарзда жамлаш, худ-удий жиҳатдан оқилона жойлаштириш ва сақлаш; республиканинг барча минтақаларини нон ва нон ма-ҳсулотлари билан улуғсиз таъминлаш учун дон, ун, ёр-ма, кепак ва омихта емин тизим ичкарида жойлашти-ришни ташкил этиш; дон маҳсулотлари тизимида бозор муносабатларини рив-ожлантириш, давлат корхоналари ва ташкилотларини акционерлик, жамов ва мулкчиликнинг бошқа шакллари-га айлантиришга оид ишларни йўлга қўйиш, тадбирно-рини ривожлантиришга бўғун чоралар билан қўмакла-шиш, қўшма корхоналар ташкил этиш; илгори илмий-техник ва технологик сиёсат ўтказиш, ич-ки ва ташқи бозорлардаги шарт-шароитларни ўрганиш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.
5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонини рўбга чиқар-ишга доир ташкилий тадбирларни қўзда тутувчи қарор қабул қилсин.
6. «Ўзбекистон Республикасини дон маҳсулотлари давлат концерни («Ўздонмахсулот»)ни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 6 февралдаги 334-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 апрель.

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилотини XXXII анжумани ҳамда шаҳар ташкилотининг 75 йиллиги олдидан

Ёшларнинг долзарб юмушлари

○ Тошкент шаҳар ҳоқимлигида балоғатга етмаган-ларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссия-нинг ушбу комиссия раиси, Тошкент шаҳар Ҳо-қимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов олиб борган навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссия аъзолари ва мажлисга таклиф этилган мутахассислар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзе-бекистон Республикаси давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунининг ба-жарилиши, ўсиб келаятган авлоднинг ўқитиш ва тарбия-лаш билан боғлиқ бўлган ишлар ва 1994 йил учун мўлжалланган иш режалари ҳақида комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Рес-публикаси Халқ таълими ва-зирининг ўринбосари, Тош-кент шаҳар халқ таълими бosh бошқармасининг бошли-ги Ҳамидулла Йўлдошевнинг ахборотини тинглади.

Мажлисда 1993 йил яку-ли бўйича балоғатга етма-ганлар ўртасида ҳуқуқ бузи-лишлари ва жиноятнинг ол-дини олиш бўйича ишлар-нинг аҳоли ва Тошкент ша-ҳар Ҳокими А. И. Фозилбе-ковнинг 1993 йил 24 январ-даги аҳоли турар жойлари-даги аҳоли турар жойлари-

да ёшлар билан ишлашни ташкил этишни яхшилаш ҳақидаги қарорининг ба-жарилиши тўғрисидаги маса-лалар ҳам муҳокама этилди. Ана шу масалалар бўйича Тошкент шаҳар Ички ишлар бosh бошқармаси профилак-тика бошқармасининг бош-лиги Н. Ғ. Рўзमतов ва Тошкент шаҳар халқ таъ-лими бosh бошқармаси бош-лигининг ўринбосари С. Р. Холитовларнинг ҳисоботла-ри ештилди.

Мажлис қатнашчилари мактаблар ва ҳунар-техника билим юрталари педагогика жамоаларининг амалий иш-ларига, маҳаллаларда ўзи-нинг бошқармасининг янги маҳаллий идораларига ало-ҳида эътиборни қаратдилар.

Муҳокама этилган маса-лалар юзасидан тегишли қа-рорлар қабул қилинди.

Вазифалар белгиланди

СЕРГЕЛИ туман ёшлар та-шкilotининг навбатдаги пле-нуми бўлиб ўтди. Унда та-шкilotий масъала қўрилди. Туман ҳокимий ўринбосари этиб сай-ланганлиги сабабли Сергей Степанов биринчи котиб ва-зифасидан озод қилинди. Ав-зифасидан озод қилиниш нати-жасида туман ёшлар ташкilotи-тининг бўлиб ишлаб келган котиби Акромов Сергейи туман ёшлар ташкilotининг биринчи котиби этиб сайлан-ди.

Пленумда Ўзбекистон Ёш-лар Иттифоқи XXVI қўрултойи

Аъзолар сафи кенгаймоқда

ЎЗБЕКИСТОН Ёшлар Итти-фоқи Тошкент шаҳар ташкilotининг 75 йиллиги айёни-н кўзларини руҳда ўтказиш учун кўзгич ҳозирлик қўрилган бир чоғда унинг Яққасарой тумани ташкilotидан қувон-чи хабар келди. Сўнгги йил-ларда олиб борилган қўзғиш

Ташкилот лойиҳа тадбирлар

«Тошкент шаҳрида «Ўзе-бекистон Республикасида давлат ёшлар сиёсатининг асослари ҳақидаги Қонуни»нинг амалга оширилиши тадбирлари тўғ-рисида» Тошкент шаҳар Ҳо-қими А. И. Фозилбековнинг 1993 йил 27 декабрдаги қарорини ҳаётида таъдиб этиш борасида Ақнал Ифромов тумани ташкilotига лойиҳа фаолият кўрсатмоқда. Масалан ёшлар ва ўсмирлар-ни ҳуқуқий қоним қилиш мақ-садида «Ўсмир» номли ишти-моий-иқтисодий хизмат таш-кил этилди. Турар жойлар, ма-ҳаллаларда болалар ва ўсмир-лар билан ишлашни мувофиқ-лаштириш мақсадида туман-даги санжизта ўсмирлар клуби иш қайта ташкил қилинди.

Утган йили ўтказилган «Йу-рич-93», «Ҳамшира-93» кў-рикларини юқори савияда ташкил этишда туман ёшлар ташкilotининг хизмати катта бўлди. Айни кунларда туман ҳокимлиги ва ёшлар ташкilotи ўзaro ҳамкорликда ёшлар ўртасидаги ишчиларини бар-тароф этиш тўғрисидаги дас-тур устида иш олиб бормоқ-далар.

Шайда ХУДОЕВОВА.



«Уқунчи ҳиссавдорлик жамиятида кўп-лаб ёшлар меҳнат қилишадди. Шулардан бири сиз суратда кўриб турган Нозима Ахроровадир. Шунга қарамайдан Нозима ўз касбинини пухта эгаллаб олиб, ҳамкасбларига урнат бўлмоқда.

Нозима Улмасов олган сурат.

АСРИМИЗ ОВОЗИ



© Мафтуркор Франция манзаралари.

ФИДОЙИЛАР ҚАСИДАСИ

Улар ерга қайтарилди нисонларини,
Улар деди: «Кўп қийнаманг
жонларини»
Қийнамади жон,
Улар самони ерга отдилар,
Ҳақнинг кўзи, сўзини уйғотдилар,
Қадр тонди нисон,
Улар ерга қуришдилар қосона,
Ва дедилар: «Яхши кундан нисона»
Нисона бўлди.

Ер бағрини чуқур тилишди улар,
«Олов, чиқ» — амр қилишди улар
Оловлар кунди,
Ер тақдирини олишди қўлга,
«Зулм йўқ» дейишди, солишди йўлга,
Ҳақ йўлини шу!
Шараф уларга, фидойи жонларга,
Салом уларга, кўп замонлардан,
Саломлар мангу!

Франк ВЕНАЙ

БУГУН ОҚШОМ

Бугун оқшом хонада ёлғиз,
Ултрабасан хўрсиниб нукуз,
Папирсининг қолдиқларини,
Теваракни босиб кетган кул
Тошхонлига қараган дарча,
Очиқ турар гўё мултираб,
Кексалардек девор ҳам пича,
Чироқ ёнар хира милтираб,
Эзиласан, қурийдил тинканг,
Туришга ҳам етмас мажонинг,
Хўрсинганда титрайди елканг,
Газет ўқингга йўқ ҳатто ҳоланг.

Пешонангни ойнага босиб,
Ўз соянгга боқсанг маҳзун,
Кўчаларда чодирин осиб,
Тентирайди совуқ, қора тун,
Лекин аёлининг вужуди қайноқ,
Эртада сени бусбутун,
Вужудингга соларқоқ қийноқ,
Эрта яна бошланади кун.

Темур УБАДУЛЛО таржималари.

Тошкент таърифиди

Пол Вайан КУТЮРЬЕ

ДУНЁНИНГ ГЎЗАЛ ШАҲРИ

Мен Осиёдаман...
Мен Ўзбекистон тупроғидаман.
Тошкент — ер юзидидаги
энг гўзал шаҳарлардан бири.
Унинг кўчаларидан ойдим
отиб бораёган, худди киё-
бонда кетаётгандай сезасан
ўзингни.

Эски шаҳар, ўша пахса
девор уйлар, тор кўчалари
билан Тошкентни тарихга
боғлаб тургандай. Бу ерларда
ҳам клублар, чойхоналар,
театрлар, мактаблар қад кў-
тарибди. Ўша тор кўчалар ўр-
нини кенг асфальт йўллар

эгаллай бошлабди. Эски ша-
ҳар дараклари ҳақида сўзла-
шадиган одамлар билан Тошкент,
инкинчиси эзилгани ҳам
енгил айнаган Тошкент. Бу
нисонларнинг, юрт-
парварлининг шаҳар қиё-
фасида акс этиши!

Андре СТИЛЬ

БИРИ ИЛДИЗ, БИРИ ЯПРОҚ

КўПГИНА республика-
ларнинг пойтахтидир. Биринчи
Кўрғин, қувончим. Лекин
Тошкент қалбимга солган
ҳаёжон менга асло тарқ ет-
майди. Бошқа юртлар пой-
тахтлари Тошкентдан балки
гўзалроқдир, ёдгорликлари
серобдир. Лекин Тошкент-
даги нисонларнинг бошқа
ерда кўриш қийин бўлса
керек.

Тошкентнинг чехрасига
қарайсан, шу ерда, шу ша-
ҳарда 1966 йилда эзилган
бўлганини тасаввур қилол-
масан. Эзилганда биронта
белги ҳам қолмаган. Тош-
кентни қайта тиклашдаги
қардошлик, садоқат, дўстлик
кўп нарсани аниқлатади. Қай-
та қад ростлаган Тошкент

инсон ҳамкорлиги, инсон со-
диқлиги, унинг ҳақ йўлидаги
қувончидир, бурчи ҳа-
қидаги ўлмас бир қўшқидир.
Шунинг учун бўлса керак
шаҳарга, унинг одамларига
айрича нигоҳ билан қарай-
сан. Кўчалар қандай чирой-
ли! Гулларни айтмайсанми,
гулларни! Дов-дарактлар ҳам
худди сиз билан саломлаша-
ётганга ўхшайди. Шўх бола-
лар, лобар аёллар, доно ке-
саларнинг чехрасида табас-
сум! Буларнинг ҳаммаси
ташриф буюрган ҳар бир
кишида Тошкентда ҳаётга
муҳаббат, яхши яшашга ин-
тилиш, шиттиқ кучли экан
деган, таассурот уйғотиши
табиий.

Француз композитори Жорж Бизе-
нинг «Кармен» операси 1874 йилда та-
момланган эди. У машҳур ёзувчи Прос-
пер Мериеннинг шу номли ҳикояси асо-
сида яратилган бўлиб, либреттосини
Людовин Галенга ва Анри Мельякка
ёзган. Шундан бери неча-неча
опера ва балет театрлари ўшуб аjoyиб операни
қайта-қайта саҳнага олиб чиқмоқдалар.

ЭЗГУЛИККА
ДАЪВАТ

Биринчи мартаба ўйналганда ўшуб
опера Париждаги машҳур «Опера
комик» театри саҳнасида икки кундаёқ
тушиб кетган. Газеталарда қандайдир
Кармен номли суюқоёқ бир қизни қат-
тиқ танқид қилишган эди. Машҳур рус
композитори Петр Чайковский баъраёт
қилиб, бу опера яна ўн йиллардан ке-
йин жаҳоннинг энг буюк саҳна асари
бўлиб қолади деган эди. Худди шундай
бўлди. Бугун ўзининг изатини билан
жаҳон европалар ҳар бир гўзал ҳатто
тушда ҳам ўзини Кармен деб тасаввур
қилади. Хўш, бу аjoyиб ролни ўз вақ-
тида кимлар ижро этган?

Мушфа ОХУНЖОНОВА.

ФРАНЦИЯ—ГУЛЛАР ВА ИСТЕЪДОДЛАР ДИЁРИ

ОЛИС Атлантика уммонининг тўққин-
лари қирғоқларини ҳар лаҳза ювиб тур-
ган аjoyиб бир мамлакат бор. Ўшуб
мамлакатнинг одамларининг қалби яхши-
ликка эш, тупроғи эса ўрмонлар гул-
ларга макон. Ўшуб мамлакат неча-неча
йиллардан бери ўзининг бой аънаваний
меросини кўз қорачиқдек сақлаб кела-
ди. Бу юртнинг номи — Франция.
Франция жаҳонга гуллар ва истеъ-
додлар диёри сифатида танилган. Чин-
дан ҳам Стендалнинг «Қизил ва қора»,
Жюль Верннинг «Капитан Грант бола-
лари», «15 ёшли капитан», «Жаҳон
бўйлаб 80 кун ичра», «Капитан Не-
мо», «Остин-устин», «Кирк беш»,
«Қора дола», «Граф Монте Кристо»,
«Ҳақ йўл ўтач» романиларини ўқиб,
ҳаёжонга тушмаган одам бўлмас керак.
Агар буларга 20-асрнинг буюк сўз
санъаткорлари саналган Эмиль Золя,
Эдмон Гонкур, Артур Гонкур, Ги де
Мопассан, Ромен Роллан, Луи Арагон
каби соҳиб қаламларнинг ҳам асарла-
рини қўйсак, француз халқи ўзининг
қанчалар кўп истеъдодли фарзандлари-
га эга эканлигининг гувоҳи бўлади.
Чиндан ҳам «Жерминаль», «Жан Крис-
тоф» сингари кўп томли эпопеяларни
яратган адиблар билан француз халқи
ҳақида фахрланиб келади.

Франция деганимизда дастлаб биз-
нинг қалбимизни ром этган «Фан-Фан
Тюллан» бадий фильмнинг тилга ол-
масдан иложимиз йўқ. Шунингдек, бу-
тун оламни шов-шувга қўниб юборган
«Фантомас» сериясидаги фантастик
фильмлар, «Сирано де Бержерак»,
«Дон Сезар де Базан» сингари тарихий
картиналар қачон қўйилса томошаби-
ларини ўзига ром этади. Ўшуб филь-
ларини яратишда асримизнинг юлдузла-
ри деб эътироф этилган Жан Марэ,
Луи де Фюнес, Жерар Депардье, Фер-
нандель сингари актёрларнинг хизмат-
лари беқиёсдир.

Франция деганда бизнинг кўз олди-
мизга Париж, Марсель, Гренобль, Ли-
он сингари шаҳарлар келади. Ўшуб
шаҳарлар ўзининг меъморий топила-
лари билан Европада алоҳида ўрин ту-
тиш ҳеч кимга сир эмас.

Франция деганда биз ҳақиқатта мамла-
катимизга дўстлик қўзи билан қараб
келган, ҳамкорлик қўлини чўзган, юр-
тимиз мустақиллигини биринчилардан
бўлиб таниган буюк мамлакатни била-
миз.

Бугун сизнинг диққатингизга ҳавола
этилаётган материалларда Франциянинг
ўзига хос томонлари оғизга бўлса-да
акс этган, деган умидимиз.

НОДИР
КИТОБЛАР

Элликка яқин ўрта осёлик
машҳур кишиларнинг номла-
ри учради.
Бу тарихий қимматбаҳо

НОДИР
КИТОБЛАР

асардан ташқари яна бир
қанча тарихий китоблардан
бири XIX асрнинг иккинчи
ярмида яратилган бўлсада
этнографик жиҳатидан му-
ҳим бўлган «Русский Тур-
кестан» ёки «Туркестонга
саёҳат» деб аталади. У ҳам
Парижда француз тилида
1902 йили чоп этилган.

Асарнинг муаллифи
Крэфт Хьюз бўлиб, Туркес-
тонга саёҳат қилиб келган
ва бу ерда қўнган, билган-
ларини ҳамда олган таассу-
ротларини ёзган ва китобни
расмлар билан безатган.

Китобнинг шуниси қизиқ-
ки, муаллиф ҳар бир саҳифа-
ни ўзи олган расмлари бил-
ан тўлдирган. Китобни ўқиб
томоша қилган кишини ўз-
бек халқининг турли нарсал-
ларга бой дўқонали, унинг
сотувчилари, кишиларнинг
уст-бошлари, хотин-қизлари
мизининг тақинчоқлари дол
қолдилади.

Китоб этнографик жиҳат-
дан жуда бой баеатланган.
Асар 218 бетдан иборат бў-
либ, унинг биринчи бетиди

муаллиф чойхонада гилам
тушлаган супада ўтириб ўз
расмини олдиран, титил ва-
рағида эса чачон ва паран-
жи ёниган чиройли аёлининг
сурати қўйилган.

Хуллас, муаллиф Фарғона
шаҳарларида ва бошқа ви-
лоятларда бўлиб, ҳаммасини
расмга олган ва ўз китобини
безатган. Бу китобни этногра-
фик жиҳатдан жуда бой кит-
об деса бўлади.

Албатта булардан ташқа-
ри француз тилида чоп этил-
ган ва ёки таржима этилган
тарих, тил, адабиёт, сёёсат-
ни акс эттирувчи китоблар,
Париж Коммунасида оид
асарлардан юзга яқини бй
фонддан олиб олинган.

Чор Россияси даврида Па-
рижда ва бошқа Европа мам-
лакатларида ўтказилган эт-
нографик курғазмаларда
Туркистондан борган киши-
лар ўз хўналарни яратган
асарлари билан қатнашиб
олтин ва кумуш медаллар
олиб қайтган эдилар.

Ўзбекистон мустақил дав-
лат бўлгандан сўнг Франция
билан алоқаларини ҳам йил-
дан-йилга ривожланиб бор-
монда.

Умид қиламизки, булардан
кейин ҳам Франция ва Ўз-
бекистон давлатлари ўрта-
сида маданий алоқаларни
ривожланиб боради, биз-
да сақланаётган ноб китоб-
лар эса муҳим омилардан
бири бўлиб хизмат қилаве-
ради.

Раҳимдор ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Алишер Навоий номидаги
Миллий кутубхонаси но-
дир нашлаб ва қўзғал-
малар бўлимининг му-
дир.

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

ҲОЗИРГИ долзарб вази-
фа республикамиз аҳолисида
конституциянинг асосий
мазмуни, демократик та-
моилларни ташвиқот қи-
лиш, чуқур ўргатишдир. Шу
бондан ҳуқуқшунослик фан-
лари доктори, профессори
А. Х. Саидовнинг «Қисси
конституцияшунослик» рисо-
ласининг нашр этилиши му-
ҳим аҳамиятга эгадир.

Ўшуб рисолада конститү-
цияшунослик назарисини ва
амалиётни тушунарли, аниқ-
рашан тарзда баён этил-
ган. У ўзаро ўзвий боғлан-
ган, бир-бирини тўлдирувчи
икки қисмдан иборат.

Биринчи қисм «Ҳозирги
замон конституцияшуносли-
гининг умумий тавсифи ва
ривожланиш қонуниятлари»
деб номланиб, «Консти-
туция» тушунишда нима
учун давлатнинг Асосий қо-
нуни дейилиши, Конститу-
циянинг устуқлиги, бевосита
ҳаракатдаги қонуни эканлиги,
унинг тузилиш қондалари,
конституциянинг барқарорли-
ги ва қафолатлари, консти-
туциявий назорат каби му-
ҳим масалалар ўзининг на-
зарий инъикосини топан.

Шу қисмининг илмий
асоси янада юқори даражага
кўтарилишига сабаб унда
хорижий мамлакатларнинг
сайлов қонуничилиги, кўп-
партиявийлик тизими объ-
ектив тарзда ёритилганлиги-
дир.

Рисоланинг иккинчи қис-
ми «Ўзбекистон Республика-
сининг Конституциясида
умуминсонийлик ва миллий-
ликнинг бирлиги» деб ном-
ланиб, унда мустақил Ўзбе-
кистон Конституциясининг
ўзига хос хусусиятлари, та-
рихий манбалари, тузили-
ши, инсон ҳуқуқлари ва эр-
кинликларини Конституция,
жамиyat ва шахс; кўппартия-
вийлик тизимининг консти-
туциявий асослари; сайлов
тизими, давлат ҳокимияти

Солиҳ СУЛТОНОВ,
Тошкент Давлат ҳуқуқшу-
нослик институти «Консти-
туциявий ҳуқуқ» кафедр-
асин профессорси вази-
фини бажарувчи.

САИДАСИМОВ,
Тошкент Давлат универси-
тетини «Давлат ва ҳуқуқ
асослари» кафедрасининг
доценти.

ҚОДИРИЙ СИНОФ-МУЗЕЙИ

ШАЙХОҲОНТОХУР туманида-
ги Алишер Навоий номидаги 40-
лицей мактабда ўзбек роман-
чиллигининг асосчиси Абдул-
ла Қодирий таваллудининг
100 йиллигига бағишлаб ёзув-
чининг синоф-музейи ташкил
этилди. Бу таъдбир ана шу
синоф-музейи Абдулла Қоди-
рий дасис билан бошланди.
Сўнгра катта залда тантане-
ли кеча сифатида давом эт-
тирилди. Унда ёзувчининг
ўғли Масхур Абдуллаев иш-
тирок этиб ўқитувчи ва ўқу-
чиларга отаси ҳақидаги хоти-
раларидан қўзғаб берди. Са-
вол-жавоблардан сўнг шу
мактабнинг собиқ ўқувчиси
ёзувчи Тоҳир Малик сўзга
чиқиб, Абдулла Қодирийнинг
ўзбек романчилигини маҳор-
ати хусусида, олимлардан
Мухтор Худойкулов, Омонул-

ла Мадаевлар эса ёзувчининг
ҳақиқий жанридаги асарлари,
шунингдек матбуот соҳасида-
ги фаолияти ҳақида сўзлаш-
ди.
Кечада мактаб ўқувчилари
Абдулла Қодирий ҳаёти,
унинг нарсри, жумладан ҳаж-
рияларида рус, инглиз ва
француз тилларида парчалар,
ёзувчи ҳақида айтилган Мух-
тор Азевос, Ойбек каби
машҳур ёзувчиларнинг сўзла-
ри, унга бағишлаб ёзилган
шеърларини ижро этишди.
Тантанеда шахар халқ таъли-
ми бош бошқармаси, шахар
ўқитувчилар малякасини оши-
риш институти ҳақида республи-
ка маънавияти ва маданият
маркази вакиллари иштирок
этишди.

Мурод РАҲИМОВ.

* Раҳмидил ва меҳр-мурувватли
булайликЧЕРНОБИЛЬ
ЖАБРДИЙДАЛАРИГА
ҒАМХЎРЛИК

1986 йил 26 апрель кунини Украинанинг Чернобыль атом-
электр станциясидаги 4-блок портлаб XX аср сўнгигада энг
йирик фожияни содир этди. Украинаник дўстларимизнинг
бошларига тушган бу мусибатни эшитиб у ерга Ўзбекисто-
нимиздан ҳам кўнгилларини шайладан. Аммо, ёзув нур бил-
ан курашши осон эмас эди. 1986 йилдан то 1990 йилгача
Чернобыль ёрдам сифатида жуда катта куч ва маблағлар
жўнатилиб турлиди. Асос нур жиповланди. Лекин, унинг асо-
рати битмас-туғаммас эди қолдириди.

Ўзининг инсонпарварлигини, мурувватлигини билан алоҳи-
да ажратиб турадиган давлатимизда истиқомат қилувчи фу-
қаролар орасида Чернобыль атом электр станциясида руҳ-
берган фалокат оқибатларини бартерфот этти ишлариди
қатнашганларнинг икитомий ҳимояси учун Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Кенгаши ва Республика Вазирлар Маҳаласи
1992 йилнинг 6 апрелида махсус қарор қабул қилди. Аср
офатидан нағир кўрганларнинг ҳол-аҳволларидан хабар олиш,
уларнинг ногиронлар, болалар, вафот этганларнинг оила-
ларига моддий, тиббий, икитомий ва маънавий ёрдам кўрсат-
тиш мақсадида Республиканинг пойтахти Тошкент шаҳрида
биринчилардан бўлиб «Чернобыль» икитомий ўзаро ёрдам
жамияти ташкил этилди. Бу жамият мана 4 йилдан бери фа-
лоят кўрсатиб келмоқда.

Жамиятнинг рўйхатида 1050 дан ортиқ Чернобыль атом
электр станцияси фожиясини бартерфот этувчилар бор. Шу-
ларнинг деврли ярмаси ҳозирги кунда ногирондирлар. Бир
неча оилалар ўз боқувчиларидан бевақт акрариб қолдилар.
Жамиятимизга булардан ташқари бошқа атом иншоотларида
меҳнат қилганлар ҳам ёзувдор. Бу ерда уларга ҳам қўлдан кел-
ганча тиббий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда биз шахар «Чернобыль» жамиятининг жонқуяр
аъзолари ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Тошкент шахар
Юнусов деб тумани «Чернобыль» жамияти раиси Анатолий
Сервантов, Янкасарой тумани «Чернобыль» жамияти раиси
Рустам Ганиев, унинг муовини Юрий Кий, Собир Раҳимов
тумани «Чернобыль» жамияти раиси Шамсуддин Ахмедов,
Чилонзор тумани «Чернобыль» жамияти раиси Индус Халмиз,
Ақмал Исроков тумани «Чернобыль» жамияти раиси Михаил
Тришечкин, унинг муовини Абдуғани Латипов, Митробод ту-
мани «Чернобыль» жамияти раиси Николай Грохольскийлар
чернобылчилар ҳол-аҳволларидан доимий хабар олиб, уларга
керакли маслаҳат ва ёрдамларини бериб келмоқдалар.

Биз 26 апрель — «Чернобыль» хотираси кунини арафасида
барча туманлар, ҳокимликлар, қорхона ва ташкилотлар раҳ-
барларига шуни айтмоқчимизки, ҳар бир туманда, қўнган
катта ва кичик ташкилотларда Чернобыль мажбурдийдалари
бор. Уларнинг кўпчилигини ногиронлар ва касалмандлар
ташкил этади, шахаримизнинг ҳамма туманларида ҳам Черно-
быль асирати тўғрисида оламдан бевақт кўз олмаганларнинг
оилалари бор. Ҳозирги икитомий қийинчиликлар сабабидан
уларни доридармонлар, зарур озиқ-овқат билан, муҳто-
жларини турар жой билан таъминлаш, озиғна мушкулларидан
халос қилишдек савабони шунга бўлганлигини жабр қилинг.
Озиғна кўнак бериш ниятида бўлганларга ҳам манзилгоҳин
эсплатиб ўтамиз. Тошкент шахар «Чернобыль» икитомий ўзаро
ёрдам жамиятининг ҳисоб рақами — 008700208, Санот қури-
лиш банки, Меҳнат бўлими, код 1726272315.

Оқилхўна ТУРАХУЖАЕВ,
Тошкент шахар «Чернобыль» икитомий
ўзаро ёрдам жамияти кенгаши аъзоси.



— Кутилмаган азия меҳмонлар учун
бита стол ҳаммаша шай туради (бир мар-
та Франсуа Миттеран Гельмут Коля жа-
нобларини тақдир этганда, шу столдан
фойдаланган). Жойлар одатда 8—9 ой ил-
гари буюриб қўйилган бўлади. Бир хўран-
дама бор, ҳаммаша 14 июлда, Бастилия
олинган кунда жой буюради. Ахбороти-
нигиз учун ресторанимиз ҳам айнан шу кун
ишга тушган.

— Меҳмонларни ресторанимизга нима
бунчалар ўзига жааб этади? — ўсмоқчилаб
сўрайсан...

— Рестораннинг шинамлиги, хизматимиз-
нинг юксак маданияти, энг муҳими Па-
риж манзараларининг ўзига хослиги бўл-
са керак, — эҳтиром билан жавоб бера-
ди бош директор. — Бош ошпазмиз
Ален Баритоннинг маҳорати ҳам бундан
муастасно эмас. У «Меннинг пазаидилигим»
китобининг муаллифи машҳур Огюст Эс-
кофе билан бемалол беллаша олади. Шу-
нақа моҳир Барито.

— Таомлар фақат французчами?

— Ҳа, биз бу билан ифтихор қиламиз!

— Нарҳи-чи, нарҳи?

— Унча қиммат эмас. Бир кишига аjoyиб
кечқурунги овқатланиш 600—700
франкка тушади. Байрам кунлари бу нарҳ
икки-уч баробар ошиб ҳам кетади. Лекин
оламда танҳо Сенаннинг манзаралари, Па-
рижнинг муноси чехрасини томоша қилиб
кузуришнинг олдида бу нима деган гап! —
эҳтиром билан жавоб қайтарди бош ди-
ректор.

— Нега сизнинг ресторанимизга «Жюль
Верн» деб аталади?

— Энг муҳими нимадиганини биллиб
олинг: Жюль Верн ўз китоблари билан,
Густав Эйфель минораси билан Францияни
шарафларга буркашган. Иккаловин бир
даврга яшаган. Уларни бир-биридан аж-
ратиш имсофидими? Бундан ортиқ ном то-
пиб бўладими? — бош директор айрёна
кўз қисади.

«Жюль Верн» бизни қандай назат би-
ла кутиб олган бўлса, шундай назат биз
лан кузатиш. Қўз олдингизда Париж, бе-
қибс гўзал Париж. Узингиз эса Эйфель
минорасидасиз. Йўқ, бу аjoyиб дақиқалар
мутлақо эсдан қичмайдн. Мутлақо!

Темур, ТИЛЛАЕВ тайёрлади.

✓ ● ● ● ● ●